

**“Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошидаги
Бадиий кенгаш тўғрисида
НИЗОМ**

I-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-176-сон Қарорига мувофиқ чиқилган бўлиб, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошидаги Бадиий кенгашнинг (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) Низоми ва ушбу Низомга амал қилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилди:

Бадиий кенгаш – кинолойиҳаларни кўриб чиқиш, саралаш ва давлат ижодий гранти асосида фильмлар яратиш масалалари бўйича хулоса чиқариш ваколатига эга бўлган доимий фаолият кўрсатувчи комиссия;

давлат ижодий гранти (кейинги ўринларда давлат гранти деб аталади) – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан фильмлар яратиш учун йўналтириладиган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган маблағлар ҳисобидан танловлар асосида миллий фильмлар ишлаб чиқаришга мақсадли ажратиладиган маблағлар (субсидия);

фильм – бадиий, бадиий-публицистик, хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув, анимацион, ёки бошқа шаклларда ижодий ғоя асосида яратилган, бир-бири билан боғлиқ бўлган тасвирларнинг овоз жўрлигида ёки овоз жўрлигисиз ёзиб олинган туркумдан иборат бўлган, тегишли техника воситалари ёрдамида қайд этилган, кўриб ва эшитиб идрок этиш учун мўлжалланган аудиовизуал асар;

Давомийлиги 60 дақиқадан кам бўлмаган фильм тўлиқ метражли фильм ҳисобланади;

кинолойиҳа – фильмнинг адабий сценарийси, синопсиси, режиссёрлик сценарийси, фильм учун яратилган матнли ёки матнсиз мусиқа асари, тасвирга олиш жойи ва объектлар тўғрисида маълумотлар, тасвирга олиш гуруҳи, актёрлар таркиби, сарф-харажатлар сметаси, фильмнинг ишчи материаллари ва фильмни яратиш билан боғлиқ бўлган бошқа жараёнларни қамраб олувчи материаллар мажмуаси;

адабий сценарий – фильм эпизодларидаги кўриш ва овозли тасвирлар матнда ифода этиладиган, фильм ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ бўлган ўзига хос тугал бадиий асар;

режиссёрлик сценарийси – фильмни тасвирга олиш учун зарур бўлган барча деталлар акс эттирилган, режиссёрнинг тасвирга олиш майдончасида қулай ишлашига мослаштирилган сценарий;

синопсис – адабий сценарийнинг қисқача баёни ва сюжети моҳияти;

ариза берувчи – мулкчилик шаклидан қатъий назар кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат ижодий грантини олишга талабгор бўлган юридик шахслар ва/ёки уларнинг вакиллари (продюсер, киностудия раҳбари, сценарий муаллифи, фильмнинг бўлажак режиссёри).

II-боб. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари

4. Кенгашнинг асосий мақсадлари:

мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни, миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида теран акс эттириш, кинематографиянинг халқимиз тафаккурини ўстириш, айниқса ёшларга доир давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтиришни таъминлаш;

миллий кинематографияни жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги ролини ошириш, ўзбек кино санъати қадриятларини асраш ва ривожлантириш;

турли қаҳрамонлар образини ёритувчи, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда рўй бераётган ислохотларни тараннум этувчи, олижаноблик, тангилик, бағрикенглик, сабр-қаноат, шукроналик, меҳр-мурувват каби эзгу инсоний фазилатларни ўзида тўлақонли ва юқори маҳорат билан акс эттирув кинолойиҳалар яратилишини қўллаб-қувватлаш;

давлат гранти асосида ва бошқа маблағлар ҳисобига миллий фильмлар ишлаб чиқариш учун кинолойиҳалар танловини ўтказиш, шунингдек сараланган лойиҳалар асосида яратиладиган фильмларнинг савиясини, бадиий даражасини ва томошабоплигини оширишга кўмаклашиш;

кинематография соҳасида давлат ва хусусий сектор шериклигини ривожлантириш, ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳамда аҳолининг замонавий мавзу ва жанрлардаги фильмларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш бўйича Агентликка яқиндан кўмаклашиш.

5. Кенгаш ўз мақсадларини амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

фуқаролар, айниқса ёш авлод онгида миллий онг ва тафаккурни шакллантиришга хизмат қиладиган, ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ислохотлардаги фаол иштирокини акс эттирадиган киноасарлар яратишни ташкил этиш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган миллий фильмларнинг ғоявий, маънавий ва бадиий савиясини ошириш чораларини кўриш, бунда мулкчилик шакли турлича бўлган киностудияларга зарур тавсиялар бериш ва уларнинг вакиллари учун семинарлар ўтказиш;

болалар ва ўсмир ёшларга мўлжалланган юқори савиядаги бадиий ва мультипликацион ва қисқа метражли фильмлар ва юмористик киножурналлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, киноижодкорларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятига ижодий кўмаклашиш;

замонавий, тарихий ва турли ижтимоий долзарб мавзуларда фильмлар ишлаб чиқариш бўйича давлат грантларини беришда бевосита ҳал этувчи тизим сифатида фаолият юритиш;

давлат грантига мувофиқ яратиладиган фильмлар учун тақдим этилган кинолойиҳаларни ўрганиб чиқиш ва малакали баҳолаш натижасида энг яхшиларини саралаш ва уларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Агентлик томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириш бўйича тегишли хулосалар тайёрлаш;

миллий кинематография тизимида шаклланган энг яхши ижодий анъаналарни изчил давом эттириш, ёзувчилар, кинодраматурглар, режиссёрлар, операторлар, актёрлар ва бошқа ижодкорлар фаолиятини мувофиқлаштириш, Бадий кенгаш фаолияти самарадорлигини оширишда уларнинг хизматларидан унумли фойдаланиш;

кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг ижодий фаолиятига кўмаклашиш;

томошабинларнинг талаб ва истакларини ўрганиш асосида фильмларнинг мавзу ва жанрларини шакллантириб бориш ва уларни киноижодкорларга тавсия этиш;

ҳар йили кейинги календарь йили бошлангунига қадар давлат гранти асосида миллий фильмлар ишлаб чиқариш учун устувор мавзулар рўйхатини шакллантиш ва уларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

Кенгаш қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган ва ушбу Низомдаги мақсадларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III-боб. Кенгашнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Кенгаш ўз ваколати доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Агентликнинг йиллик ижодий режасини белгилаш, уни долзарб ижтимоий мавзулар ва давлат буюртмалари асосида бойитиб бориш;

Кенгаш муҳокамасига қўйилган ҳар бир кинолойиҳалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдириш, лойиҳаларни рад этиш, уларни қайта ишлашга ёки ишлаб чиқаришга тавсия бериш;

давлат гранти асосида ишлаб чиқишга туширилган фильмларни тасвирга олиш босқичлари ва жараёнларини Кенгаш тасдиғидан ўтган режиссёр сценарийсига мувофиқлигини назорат қилиш ва ишлаб чиқариш ишлари якунланган фильмларни қабул қилиш;

фильмларни ишлаб чиқариш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни тузатиш юзасидан кино ишлаб чиқарувчиларга тегишли кўрсатмалар бериш;

фильмни тасвирга олиш жараёнида тасвирга олинаётган материалнинг ҳақиқий мазмуни билан режиссёр сценарийси ўртасида тафовутлар аниқланган ҳолларда Агентлик раҳбариятига тегишли чоралар кўриш масаласида билдиришнома киритиш;

турли мавзуларда (давлат грантидан ташқари) сценарийлар танловини ташкил этиш ва ўтказишда қатнаши.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Кенгашнинг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, шунингдек ушбу Низомда белгиланган талабларга риоя этиш;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бориш.

Кенгаш зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши ва натижадорлиги учун жавобгар ҳисобланади.

IV-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

8. Кенгаш аъзолари таркиби 11 (ўн бир) кишидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади ва белгиланган тартибда келишилган ҳолда Агентлик бош директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Кенгаш таркибига киношунослар, санъатшунослар, кинодраматурглар, ёзувчилар, юқори малакали кино мутахассислари, вазирлик, идоралар ва жамоатчилик вакиллари билан бирга, лавозимига кўра Агентликнинг таркибий бошқармалари раҳбарлари киритилади. Зарур ҳолларда, Кенгаш ишига мустақил экспертлар ва бошқа мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

9. Кенгаш таркиби ҳар йили камида 15 фоиз ротация қилиш йўли билан янгиланиб борилади. Кенгаш йиғилишларига узрли сабабларсиз икки ёки ундан ортиқ маротаба иштирок этмаган, шунингдек ўзининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан Кенгашнинг нормал иш фаолиятига таъсир кўрсатадиган аъзолар Кенгаш аъзолигидан чиқарилиши мумкин. Кенгаш аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарор Кенгаш раисининг билдиришномасига асосан Агентлик бош директор томонидан қабул қилинади.

10. Кенгаш йиғилишига Агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари раислик қилади. Кенгаш раиси узрли сабабларга кўра иштирок этолмаган ҳолатларда йиғилишни у ваколат берган Кенгаш аъзоларидан бири бошқаради.

Кенгаш Кенгаш аъзоларининг 2/3 қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

11. Агар ариза берувчи бир вақтнинг ўзида Кенгаш аъзоси ҳисобланган ҳолларда, у фақат ўзи тақдим қилган кинолойиха тақдимотида қатнашади, бироқ кинолойиха муҳокамасида ва қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиши мумкин эмас.

V-боб. Танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар

12. Ариза берувчилар давлат гранти учун танловда қатнашишга қуйидаги ҳужжатларни (кейинги ўринларда материаллар деб аталади) тақдим қилинади:

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича Танловда иштирок этиш учун ариза;

адабий сценарийнинг босма варианты ва pdf форматдаги электрон варианты;
кўп серияли фильмларни яратиш бўйича кинолойихалар учун филмнинг бир (биринчи) сериясига адабий сценарий, қолган ҳар бир серияси учун синопсис;
фильм синопсисининг босма варианты ва pdf форматдаги электрон варианты;
режиссёрлик сценарийсининг босма варианты;

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича фильм ишлаб чиқариш учун сарфланадиган маблағнинг дастлабки ҳисоб-китоби;

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича фильмни ишлаб чиқариш календарь-сахналаштириш режаси;

кинолойиҳанинг PowerPoint дастурида тайёрланган варианты (DVD дискда).

12.1. тақдимотда қуйидагилар акс эттирилган бўлиши шарт:

фильм ғоясини тасвирий ифода этувчи постер;

танланган ижодий-техник гуруҳ таркиби ва улар ҳақида қисқача маълумот;

танланган актёрлар (асосий персонажлар) ва улар ҳақида қисқача маълумотлар;

суратга олиш режалаштирилган жойлар ва объектлар тўғрисида маълумотлар;

кинолойиҳанинг техник-иқтисодий асослари;

кинолойиҳа асосида яратиладиган фильм прокатининг истиқболи асослари (лойиҳанинг тижорат самарадорлиги);

12.2. Ариза берувчилар фильм ишлаб чиқаришни зиммасига олган юридик шахслар фаолиятига оид қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

охирги ҳисобот санаси учун бухгалтерия балансининг тасдиқланган нусхаси;

ҳисобот даври учун молиявий натижалар тўғрисидаги маълумотнома;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

ҳомийлар ва инвесторлар (сармоядор) билан тузилган шартнома нусхаси ёки инвесторнинг кафолат хати (ариза берувчилар томонидан қисман молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича);

ариза берувчиларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат (вакил иштирок этган ҳолатларда).

13. Ариза берувчилар танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган материалларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлишлари шарт.

14. Материаллар давлат тилида, ўзбек тили имло қоидаларига амалга қилган ҳолда тайёрланади.

15. Адабий сценарий А4 форматдаги, варақнинг бир тарафига ёзилган қоғозда тақдим қилинади. Матн ёзишда қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланилади:

варақнинг чап хошияси 30 мм, ўнг хошияси 15 мм, юқори ва паст хошияси 20 мм;

Times New Roman шрифти ва сценарийнинг ҳажмидан келиб чиқиб 14, 15 ўлчамли шрифт, қаторлараро интервал 0 мм (одинарный).

16. Тақдим қилинган сценарийнинг ҳар бир нусхаси тикилган, варақлари рақамланган бўлиши ва муаллифнинг имзоси ва ариза берувчининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт. Электрон кўринишдаги адабий сценарий рақамли электрон ташувчи воситаларда тақдим қилиниши мумкин.

17. Ариза берувчилар томонидан материаллар “Ўзбеккино Миллий агентлиги Бадиий кенгашига” белгиси билан Агентликка юборилади.

VI-боб. Ишчи органнинг вазифалари

18. Танловда қатнашиш истагини билдирган ариза берувчилардан аризаларини қабул қилиш, кўриб чиқиш, материалларни танловда кўриб чиқиш учун тайёрлаш бўйича Кенгаш ишчи органининг вазифаларини Агентликнинг Кинолойиҳаларни тематик режалаштириш, фильмларни эксперт баҳолаш ва лицензиялаш бошқармаси (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) бажаради.

19. Ишчи орган:

Ариза берувчилардан ариза ва унга илова қилинган материалларни қабул қилади ва белгиланган тартибда рўйхатга олади, агар материаллар почта орқали юборилган бўлса, алоқа бўлинмаси томонидан жўнатма қабул қилинган санадан қайд қилинади.

ариза олинган кундан эътиборан 10 кундан ошмаган муддатда танловга тақдим этилган материалларни, ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган талабларга мувофиқлигини кўриб чиқади;

зарурат бўлган ҳолларда, тақдим этилган материалларга тааллуқли қўшимча маълумотларни ариза берувчилардан сўраб олади, шунингдек материаллардаги техник ва молиявий масалаларга оид ҳужжатлар юзасидан Агентликнинг тегишли бўлимлари ва бошқармалари мутахассисларининг ёки мустақил экспертларнинг хулосасини олади;

ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган, шунингдек танловга ариза қабул қилишнинг белгиланган охириги муддати тугаганидан кейин тақдим қилинган материалларни рад этиш ва ариза берувчиларга қайтариш ҳақида Кенгаш раисига таклифлар тайёрлайди.

қабул қилинган материалларни танловда кўриб чиқишга тайёрлайди;

қабул қилинган материалларни танловда кўриб чиқиш учун ариза берувчилар томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни сўраб олади;

танлов йиғилишининг якуний баёнини расмийлаштиради ҳамда танланган кинолойиҳалар асосида фильмларни ишлаб чиқаришга тушириш тўғрисида Агентлик бош директорининг тегишли буйруғи лойиҳасини тайёрлайди;

йилнинг ҳар чораги якуни бўйича танловга тақдим этилган кинолойиҳаларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан ҳисобот тайёрлайди.

20. Зўравонликни, порнографияни тарғиб қилиш, мамлакатда хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро ва динлараро тотувликни бузиш, Ўзбекистон ҳақида нотўғри ахборот тарқатиши ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятларини, адабий тил меъёрларини бузиб кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда таъқиқланган лексикадан фойдаланилган кинолойиҳалар кўриб чиқилмайди.

21. Танловда кўриб чиқиш учун қабул қилинган кинолойиҳалар ва танлов ўтказиш тўғрисидаги ахборотлар (эълонлар) йиғилиш ўтказилишидан камида 10 кун аввал Агентликнинг расмий веб-сайтида, бошқа босма ва электрон оммавий-ахборот воситаларида жойлаштирилади. Ахборотда йиғилиш ўтказиш вақти ва жойи, шартлари, йиғилиши натижаларини эълон қилиш муддатлари, шунингдек бошқа зарурий маълумотлар кўрсатилади.

22. Танловга кўриб чиқиш учун қабул қилинган материаллар қайтариб берилмайди.

23. Ишчи орган танловда иштирок этиш учун қабул қилинган материалларни такрорлаш йўли билан барчанинг эътиборига етказиш, учинчи шахсларга бериш ёки ундан бошқача тарза фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

VII-боб. Танловга қўйилган кинолойиҳаларни кўриб чиқиш тартиби ва шартлари

24. Кенгаш танлов холислик, ошкоралик ва тенглик тамойиллари асосида ташкил этади.

25. Кенгаш ариза берувчилар томонидан танловга тақдим этилган кинолойиҳаларни баҳолашда қуйидаги мезонларга асосланади:

кинолойиҳаларни тайёрлашда Агентлик томонидан эълон қилинган кинолойиҳалар мавзуси доирасида ёндошганлиги;

ўзига хос янги ижодий ғоя ва фикрлардан фойдаланилганлиги, мавзунинг долзарблиги;

адабий сценарийнинг бадиий сифати, сюжетнинг қизиқарлилиги;

кино тилининг ўзига хос услуби;

режиссёрлик топилмалари;

кинолойиҳанинг ижтимоий аҳамияти, тарбиявий йўналиши, маънавий ва умуминсоний қадриятларнинг тарғиб қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси халқларининг тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларининг ҳақиқатга мувофиқлиги;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ижобий имиджи кўрсатиб берилганлиги;

мамлакатда эркин демократик жамият куриш йўлида юз бераётган ўзгаришлар ва реал ютуқлар, миллий мустақиллик ғоясининг моҳияти акс эттирилганлиги;

кинолойиҳаларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига амал қилинганлиги;

фильм ишлаб чиқариш учун сарфланадиган маблағнинг асослантирилганлиги (фильм ишлаб чиқаришнинг тахминий харажатлари);

ариза берувчиларнинг шерикликда (ҳамкорликда) фильм ишлаб чиқаришга йўналтирадиган шахсий маблағлари ва (ёки) қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар улуши;

фильмни ишлаб чиқаришга бошқа фильм яратилишини ташкил этувчи шахслар (продюсерлар) жалб қилинганлиги;

кинолойиҳанинг самарадорлигини тавсифловчи бошқа мезонлар.

26. Танловда иштирок этувчилар бевосита қатнашиб, ўзлари тақдим қилган кинолойиҳалар юзасидан тақдимот қиладилар.

27. Кенгаш:

кинолойиҳаларни мазкур Низомнинг 25-бандида белгиланган мезонларга мувофиқлигини баҳолайди;

зарурат бўлган ҳолларда, кинолойиҳаларга тааллуқли қўшимча маълумотларни ариза берувчилардан сўраб олади;

тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижаси бўйича битта ёки бир нечта энг яхши кинолойиҳаларни саралаб олади ва уларни давлат гранти ҳисобидан

Агентлик томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириш бўйича тегишли хулоса тайёрлаш.

28. Кенгаш қарори йиғилишда иштирок этаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш жараёнида тарафдорлар ва қаршилар сони тенг бўлган тақдирда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгаш қарори баённома билан расмийлаштирилиб, Кенгаш аъзолари томонидан имзоланганидан кейин Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

29. Агентлик кинолойиҳаларни танлаш тўғрисида Кенгаш қарор қабул қилинганидан кейин 3 кундан кечиктирмасдан ариза берувчиларни танлов натижаси ҳақида хабардор қилади ва ушбу ҳақдаги ахборотларни белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

30. Кинолойиҳалар танловда кўриб чиқилганлиги учун ариза берувчидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Агентлик ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ҳисоб рақамига ўтказилади.

Танловда кўриб чиқилган кинолойиҳалар рад этилган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

VIII-боб. Яқуний қоидалар

31. Кенгаш ўтказадиган давлат гранти учун кинолойиҳалар танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш (Кенгаш аъзоларига ва Кенгаш ишига жалб қилинадиган экспертларга тўланадиган мукофот ҳақи, танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ моддий харажатлар, ишлар ва хизматлар) қуйидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади:

Жамғарма маблағлари;

ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалардан.

32. Танлов натижасида танлаб олинган кинолойиҳалар Кенгаш томонидан шакллантирилган ва Агентлик бош директори томонидан тасдиқланган фильмларнинг тематик режаси ва фильмлар ишлаб чиқаришни молиялаштириш йиллик режасига киритилади.

33. Танлов натижаси бўйича у ёки бу ариза берувчини ёхуд бир нечта ариза берувчиларнинг кинолойиҳаси фильмлар ишлаб чиқаришнинг молиялаштириш режасига киритилганидан сўнг, Агентлик ариза берувчилар билан фильм ишлаб чиқариш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома тузади.

34. Танловда сараланган кинолойиҳалар асосида фильмларни ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан Агентликнинг тегишли йил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган смета харажатлари асосида амалга оширилади.

**“Ўзбекино” Миллий агентлиги
Бадий кенгашига**

(корхона-ташкilot номи, сана,
чиқиш рақами)

АРИЗА

Миллий фильмлар ишлаб чиқаришга эълон қилинган давлат
ижтимоий грантида иштирок этиш учун

Миллий фильмларни ишлаб чиқариш бўйича кинолойиҳалар танловига (кейинги
ўринларда – Танлов) қатнашиш бўйича материаллар билан танишиб чиқиб,

(танлов иштирокчиси – юридик шахснинг тўлиқ номи)

_____ ТИМСОЛИДА

(раҳбарнинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

“Ўзбекино” Миллий агентлиги қошидаи Бадий кенгаш тўғрисидаги Низомда (кейинги
ўринларда – Низом) белгиланган шартларга асосан танловда қатнашишини маълум қилади.

Танлов иштирокчиси (корхона-ташкilot) _____

(лойиҳага қўшадиган шахсий маблағи)

миқдори рақамда ва матнда кўрсатилади)

сўм, яъни лойиҳанинг умумий баҳосига нисбатан _____ фоиз миқдордаги шахсий маблағи
ҳисобидан ҳамда “Ўзбекино” Миллий агентлиги томонидан молиялаштириладиган

(маблағнинг миқдори рақамда ва матнда кўрсатилади)

сўм (_____ фоиз), жами _____

(лойиҳанинг умумий баҳоси кўрсатилади)

миқдордаги маблағ ҳисобидан фильм ишлаб чиқаришни мустақил ёки бошқа фильм
яратилишини ташкил этувчи шахслар (продюсерлар) билан амалга ошириш мажбуриятини
олади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

адабий сценарийнинг босма варианты ва pdf форматдаги электрон варианты;

*кўп серияли фильмларни яратиш бўйича кинолойиҳалар учун филмнинг
бир (биринчи) сериясига адабий сценарий, қолган ҳар бир серияси учун синопсис;*

фильм синопсисининг босма варианты ва pdf форматдаги электрон варианты;

режиссёрлик сценарийсининг босма варианты;

фильм ишлаб чиқариш учун сарфланадиган маблағнинг дастлабки ҳисоб-китоби;

фильмни ишлаб чиқариш календарь-саҳналаштириш режаси;

кинолойиҳанинг PowerPoint дастурида тайёрланган варианты (DVD дискда);

охирги ҳисобот санаси учун бухгалтерия балансининг тасдиқланган нусхаси;

ҳисобот даври учун молиявий натижалар тўғрисидаги маълумотнома;

*солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида
маълумотнома;*

ҳомийлар ва инвесторлар (сармоядор) билан тузилган шартнома нусхаси ёки инвесторнинг кафолат хати (ариза берувчилар томонидан қисман молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича);

ариза берувчиларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат (вакил иштирок этган ҳолатларда).

Ушбу ариза билан тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилигини тасдиқлаймиз.

Аризага иловага қилинадиган ҳужжатлар _____ варақда.

Юридик шахс раҳбари _____
(имзо) (фамилия, исми, отаснинг исми)

Бош ҳисобчи _____
(имзо) (фамилия, исми, отаснинг исми)

м.ў.

**Фильм ишлаб чиқариш учун сарфланадиган маблағнинг
дастлабки ҳисоб-китоби**

_____ томонидан ишлаб чиқариладиган
(танлов иштирокчисининг номи)
_____ номли _____
(фильмнинг номи) (фильмнинг тури)
фильм баҳосининг дастлабки ҳисоб-китоби

Харажатлар тури	Суммаси (минг сўм)
Сценарий ва мусиқа харажатларига (иш ҳақи ҳисобланган ҳолда) – жами шу жумладан:	
Иш ҳақи ва мукофотлашга – жами шу жумладан:	
Товар моддий қимматликларга – жами шу жумладан:	
Ишлар ва хизматларга – жами шу жумладан:	
Транспорт-экспедиция харажатларига – жами шу жумладан:	
Бошқа харажатларга – жами шу жумладан:	
Бевосита харажатлар (прямые расходы)– жами Юк хати харажатлари (накладные расходы) _____ фоиз	
Фильм ишлаб чиқариш харажатлари – жами шу жумладан: буюртмачи (давлат гранти) маблағлари ҳисобидан танлов иштирокчисининг шахсий маблағлари ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан	
Солиқ _____ фоиз	
Фойда _____ фоиз	
Фильмнинг баҳоси – жами шу жумладан: буюртмачи (давлат гранти) маблағлари ҳисобидан _____ танлов иштирокчисининг шахсий маблағлари ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан _____	

**Фильмни ишлаб чиқариш календарь-сахналаштириш
РЕЖАСИ**

Т/р	Ишларнинг номланиши	Ойлар
1.	Тайёргарлик даври	
2.	Консервация	
3.	Тасвирга олиш даври	
4.	Монтаж-ранглаш даври	
5.	Бирламчи материалларни тайёрлаш ва топшириш даври	
Жами:		